



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
ҲУЗУРИДАГИ СОЛИҚ, ВАЛЮТАГА ОИД ЖИНОЯТЛАРГА ВА  
ЖИНОЙЎ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ  
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИ БОШЛИГИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**395 Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат Қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 6 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2034-1*

*(2010 йил 16 ноябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-331-сонли қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 36-сонли қарори (рўйхат рақами 2034, 2009 й., 3 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 45-сон, 492-модда) билан тасдиқланган Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Бошлиқ**

**З. ДЎСАНОВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 6 октябрь,  
24-сон

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси  
хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва  
жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши  
курашиш департаменти бошлиғининг 2010 йил  
6 октябрдаги 24-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан  
боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар  
учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни  
легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши  
курашиш бўйича ички назорат қондаларига киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 9-бандда:

қуйидаги мазмундаги еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«мижозлардан иш муносабатларининг мақсади ва кўзланган хусусияти, шунингдек, зарур ҳолларда пул маблағларининг келиб чиқиш манбаи тўғрисида сўраш;

мижозни лозим даражада текшириш материалларига қўшиб қўйиладиган яққол иқтисодий моҳиятга эга бўлмаган, мижознинг таъсис ҳужжатларида ёки давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномасида назарда тутилган мақсад ва фаолият турларига тўғри келмайдиган барча операциялар бўйича лозим даражада текшириш натижалари ва хулосаларини ёзма равишда қайд этиш;

идентификациялашни яқунлаш имкони бўлмаганда ёки лозим даражада текшириш натижаларига кўра, мижоз билан амалий иш муносабатларини ўрнатиш мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатиб турадиган маълумотлар олинганда, мижоз билан битим тузишни рад этиш»;

еттинчи хатбоши ўнинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. Қуйидаги мазмундаги 9<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«9<sup>1</sup>. Операциялар тўғрисидаги маълумотлар зарурат туғилган тақдирда операция тафсилотларини қайта тиклаш мумкин бўлган тарзда расмийлаштирилиши лозим».

3. 10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Ходимларнинг сўнгги янгиликларга, жумладан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг ва терроризмни молиялаштиришнинг замонавий усуллари, услублари ва йўналишлари ҳақидаги ахборотга эга бўлишларини таъминлаш ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш борасидаги қонун ҳужжатлари ва мажбуриятларнинг барча жиҳатларини аниқ тушунтириб бериш мақсадида қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахс-

лар Департамент билан келишилган ҳолда масъул ходимларни доимий равишда қайта тайёргарликдан ўтказишлари шарт».

4. 15-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «текширишга ҳақлидир» деган сўзлар «текширишга мажбурдир» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 18-банд қуйидаги мазмундаги тўққизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«идентификациялашни яқунлашнинг имкони бўлмаслиги ёки лозим даражада текшириш натижаларига кўра, миждоз билан амалий иш муносабатларини ўрнатиш мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатиб турадиган маълумотларнинг олиниши».

6. 25-банд «миждозларни лозим даражада текшириш бўйича идентификациялаш материалларини ва маълумотларини» деган сўзлардан кейин «шумладан, иш ёзишмаларини» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

7. Қуйидаги мазмундаги 27<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«27<sup>1</sup>. Мазкур Қоидалар, шунингдек, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича бошқа хужжатлар қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахсларнинг барча ходимларига етказилиши лозим».